

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИНИНГ ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИ

Пардаев Асрор Абдужабборович, Қарши давлат
университети доценти

INCOME AND EXPENDITURE OF THE POPULATION OF KASHKADARYA REGION

Pardaev Asror Abdujabborovich, Associate Professor of Karshi
state university

ДОХОДЫ И РАСХОДЫ НАСЕЛЕНИЯ КАШКАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ

Пардаев Асрор Абдужабборович, доцент Каршинского
государственного университета



e-mail:

asrorpardayev1980@gmail.com

<https://orcid.org/0009-0001-8816-6966>

Аннотация: Уибұ мақолада Қашқадарё вилояти аҳолисининг даромадлари ва харажатлари, ҳудудлардаги мұаммолар 400 кишидан олинган сұровнома асосида таҳлил қилинган. Сұровномада вилояттинг барча туманларидан ҳар хил касб әгалари қатнашынан.

Аҳолининг даромадига пул даромадлари ва натура шаклидаги даромадлар киради ҳамда доимий асосда, тақрорланувчи ҳұсусиятта әга бўлган, йиллик ёки ундан кам вақт оралиғидаги даврда уй хўжалиги ёки унинг алоҳида аъзоларига тушадиган тушумлардан таркиб топади. Бунда «даромад» ва «бойлик» тушунчаларининг ўзаро алоқасини қайд қилиши мухим. Бизнинг фикримизча, «бойлик» тушунчаси кенгроқ. Даромад жасият аъзоларининг шу пайтдаги пул, бойлик ва хизматлар заҳираларидан таркиб топади ва ҳар доим ҳам истеъмол қилиши орқали улардан фойдаланиши билан боғлиқ бўлмайди.

Калим сўзлар: Қашқадарё, Гузор, Қамаши, Шахрисабз, Китоб, Яккабог, Деҳқонобод, Ниион, Косон, Касби, Қарши, Муборак, Чироқчи, Миришкор, аҳоли, даромад, пул, шахсий томорқа, савдо.

Annotation: In this article, the incomes and expenses of the residents of Kashkadarya region, problems in the regions are analyzed based on a survey of 400 people. People of various professions from all districts of the region took part in the survey.

Household income includes cash income and benefits in kind, and consists of income received by the household or individual members of the household or its individual members on a regular basis, with a recurring nature, for a period of time of one year or less. It is important to note the relationship between the concepts of "income" and "wealth". In our opinion, the concept of "wealth" is broader. Income consists of the current stock of money, wealth and services of the members of society and is not always related to their use through consumption.

Key words: Kashkadarya, Guzor, Qamashi, Shahrisabz, Kitab, Yakkabog, Dehkanabad, Nishon, Koson, Kasbi, Karshi, Mubarak, Chirakchi, Mirishkor, population, income, money, private estate, trade.

Аннотация: В данной статье на основе опроса 400 человек анализируются доходы и расходы жителей Каракалпакской области, проблемы в регионах. В опросе приняли участие люди разных профессий со всех районов области.

Доходы домохозяйства включают денежные доходы и пособия в натуральной форме и состоят из доходов, получаемых домохозяйством или отдельными членами домохозяйства или отдельными его

членами на регулярной основе, имеющей периодический характер, в течение периода времени в один год или менее. Важно отметить соотношение понятий «доход» и «богатство». На наш взгляд, понятие «богатство» более широкое. Доход состоит из текущего запаса денег, богатства и услуг членов общества и не всегда связан с их использованием посредством потребления.

Ключевые слова: Кашидарья, Гузор, Камаши, Шахрисабз, Китаб, Яккабог, Дехканабад, Ниишон, Косон, Касби, Карши, Мубарак, Чиракчи, Миришкор, население, доходы, деньги, частное имение, торговля.

КИРИШ. Аҳоли даромадлари иқтисодий категория сифатида бир томондан хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат ўртасида, иккинчи томондан уй хўжаликлари ва индивидлар ўртасида янгидан яратилган қиймат қисмини ўзлаштириш, тақсимлаш ва қайта тақсимлаш борасида юзага келувчи умумий муносабатларни кўрсатади[1].

Худуд ахолиси турмуш даражасини реал ўрганиш учун ижтимоий кузатувда сўров услуги бўйича жинси, ёши, маълумотини кўрсатиш сўралган ҳолда куйидаги саволлардан фойдаланилди: «Қайси тармоқда меҳнат қиласиз?», «Даромадингизни ошириш учун қайси соҳага ўтиб ишлашни хоҳлайсиз?», «Меҳнат даромадингиздан мамнунмисиз?», «Мамнун бўлмасангиз, унинг асосий сабаблари нимада?», «Жамғариш имкониятига эгамисиз ва қандай мақсадда жамғарасиз?», «Келажакда ўз даромадингизни қайси бир манба хисобидан оширишни хоҳлайсиз?»

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОД. Сўровда 400 киши қатнашди, улардан 60 % эркаклар ва 40 % аёллар. Кузатувда қатнашганлар орасида ўрта маълумотли респондентлар 100 нафар (50 %)ни, уларнинг 50 нафари аёллар, 50 нафари эркаклар: олий маълумотли респондентлар 100 нафарини (25 %)ни; ўрта маҳсус маълумотлилар 160 нафарни ва 40 тўлиқсиз ўрта маълумотлилар ташкил этди [2].

Жумладан, Гузор туманидан 42 киши, Камаши туманидан 34 киши, Шахрисабз туманидан 30 киши, Китоб туманидан 32 киши, Яккабог туманидан 30 киши, Дехқонобод туманидан 28 киши, Нишон туманидан 25 киши, Косон туманидан 36 киши, Касби туманидан 27 киши, Қарши туманидан 28 киши, Муборак туманидан 23 киши, Чироқчи туманидан 44 киши, Миришкор туманидан 25 киши қатнашди[2].

Сўров натижалари шуни кўрсатдик, респондентларнинг ярмидан кўпи савдо билан шуғулланадилар. Сўралган шаҳар ахолисининг 70 % дан ортиги даромадларини ошириш учун савдо, ижтимоий хизмат, техник таъмир, бошқарув, молия ва кредит ҳамда транспорт каби номоддий ишлаб чиқариш тармоқларида меҳнат қилиш зарур деб ҳисоблайдилар. Респондентларнинг фикрича, ҳозирги пайтда юқори даромадли фаолият соҳаси савдо ҳисобланади.

Маълумки, бозор иқтисодиёти хусусиятларидан бири даромадларининг келиш манбалари хилма-хиллигидир. Сўров натижалари шуни кўрсатдик, 70 % га яқин респондент даромадларнинг асосий манбаларини савдодан, 30 фоизи тадбиркорлик фаолияти ва шахсий томорқа хўжалиги деб ҳисоблайдилар[2].

Сўровда қатнашган 400 та респондентдан, «меҳнат даромадингиз қай даражада бўлишини хоҳлайсиз?» - деган саволга 70 % дан ортикроғи, «даромадлар озиқ-овқат ва кийим-кечаклар сотиб олишга етарли бўлишидан ташкари жамғаришга ҳам етарли бўлиши керак», – деб жавоб бердилар[2].

Ижтимоий сўровда қатнашган респондентларнинг 200 нафари муайян маблағ жамғариш имкониятига эга эмаслигини таъкидлашди. Жамғариш имкониятига эга бўлганларнинг ярми ўзларига қулайлик яратиш учун, яъни шахсий уй-жой сотиб олишга деб 1/5 қисм респондент, шу жумладан 19 % эркак ва аёл 21 % аёл «Шахсий автомобиль сотиб олишга», деб жавоб берди[2].

Масалан: «Шахсий ёрдамчи хўжалик нима учун зарур?» деган саволга фикри сўралганларнинг 52 % «оиланинг умумий даромадини кўпайтириш манба» сифатида, 32,5 % «дўкондан сотиб олиб бўлмайдиган озиқ-овқат маҳсулотларининг манбаи сифатида зарур», деб жавоб берди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР.

Вилоятда аҳолининг турмуш даражасини ўрганиш учун танлаш усулидан ҳам фойдаландик. Вилоятда аҳолининг 75 % и қишлоқ аҳолиси бўлгани учун, қишлоқ аҳолисининг барча шароитларини ялпи ўрганиш асосида ижтимоий инфратузилма тармоқлари хизматидан қаноат ҳосил қилиш даражасини аниқлаш мақсадида танлаш бўйича қишлоқ аҳолиси асосий гурухларининг фикри сўралди.

Танланган йифинди 40 та фермер хўжалик ва 20 та деҳқон хўжалик ишчиларидан иборат бўлди. Фикри сўралганларнинг таркибида эркаклар 70 % ни, хотин-қизлар 30 % ни, 15-19 ёшдагилар 24 % ни, 20-24 ёшдагилар 18 %ни, 25-30 ёшдагилар 19 % ни, 40-49 ёшдагилар 11 %ни, 50-54 ёшдагилар 5,7 % ни, 55-59 ёшдагилар 4 % ни ташкил этди[2].

Олинган маълумотларни таҳлил қилиш давомида барча аҳборот турли омилларга қараб турлича ижтимоий эҳтиёжларнинг қондирилиши ҳолатидан мамнунлик даражасини акс эттирувчи аҳборот мажмуаларига тўпланди.

Аҳолининг пул даромади ана шундай омиллардан бири ҳисобланади. Масалан, фикри сўралганларнинг 60 % дан кўпроғи хўжаликдан олинган маҳсулот оила даромадининг асосий манбай эканлигини таъкидлашди. Фикри сўралганларнинг 70 % иш ҳақи даражаси бажариладиган ишга тўғри келмайди, - дейди[2].

Уларнинг фикрича, иш ҳақи миқдорини:

а) Бажариладиган ишнинг оғирлиги учун (50 %);

б) Иш шароити ёмон бўлганлиги учун (30 %);

с) Дам олиш кунлари ишлаганликлари учун (25 %) ошириш зарур.

Маълумки, кам иш ҳақи истеъмол даражаси ва таркибига таъсир кўрсатувчи салбий омиллардан бири ҳисобланади.

Аҳоли истеъмол харажатлари аҳволининг таҳлили аҳоли истеъмол харажатларини истиқболли баҳолаш билан чамбарчас боғлиқ бўлган бир қатор муаммолар ҳал қилиниши лозимлигини кўрсатади. Олдиндан истиқболли баҳолашни таъминлаш учун қўйидаги аҳборот манбаидан фойдаланилди:

а) аҳоли пул харажатлари ва даромадларининг динамикаси;

- б) вилоят қишлоқ аҳолисининг бюджети;
- с) вилоят истеъмол бюджети.

Ўзаро боғланишнинг таҳлили давомида қишлоқ аҳолиси олган моддий неъматлар ва хизматни олдиндан баҳолашнинг тизими келиб чиқади. Биз вилоят аҳолисини ўрганиш билан биргаликда, турли хил таркиби оиласалар турмуш даражасини ўрганиш учун оила аъзоларининг сони турлича бўлган оиласалар мисолида ҳам тажриба ўтказдик[2].

Ўртача фаровонлик даражасидаги оиласалар сони 43,7 фоизни, ўртачадан юқори фаровонлик даражасида яшайдиган оиласалар 12,3 фоизни, ўртачадан паст оиласалар сони 25 фоизни ташкил қилди. Буларнинг умумий миқдори 83,0 фоизни ташкил қилиб, ўртача табақадаги оиласалар гурухига мансубdir. Қолган 17 фоиз оиласалар энг юқори турмуш даражасига кирувчи ва энг камбағал оиласалар гуруҳига мансуб. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, оиласаларнинг асосий қисми ўртача турмуш шароитига эга бўлган оиласаларни ташкил қилар экан[2].

Хозирги пайтда оиласалар даромадининг тўртдан бир қисми (25%) тадбиркорлик эвазига пайдо бўлмоқда. Келажакда оила эҳтиёжининг 50 фоизини шу йўл билан қопланишга эришиш лозим. Бу вилоят аҳолиси учун ўрта мухимдир. Чунки, Европа мамлакатларида бир ишловчига 0,7 киши меҳнат ёшига етмаган болалар ва нафақадаги қариялар тўғри келса, бу кўрсаткич республикада 2,7 кишини ташкил қиласди. Табиийки, бундай шароитда фақат ойлик маош билан оиласанинг эҳтиёжини тўлиқ таъминлаб бўлмайди. Шу туфайли, келажакда ҳар бир оиласанинг фаровонлигини таъминлаш учун оиласавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадга мувофиқдир[3].

Агар инсон қанчалик яхши ва унумли меҳнат қиласа, шунчалик самарали ва мазмунли дам олишга эҳтиёж сезади. Шундай экан, бўш вақтдан самарали фойдаланиш қишлоғнинг меҳнат жараёнида сарф бўлган куч-куватларини тикиш, соғлиқларини мустаҳкамлаш, руҳиятларини тетиклаштириш демакдир.

Респондентлардан “Умуман дам олиш масканларга қанча вақтда борасиз, охирги марта қаерга боргансиз?” деб берилган саволга қўйидагича жавоб беришди. “Дам олиш кунлари

уйда бўламан”, деб аксарият кишилар жавоб беришган. “Ҳар замонда бораман”, деб респондентларнинг 20 %, “2-3 йилда бориб тураман” – 10%, “Ҳеч қаерга бормаганман” – 40%, ёзда тоққа дам олишга оғайнилар ва қариндошлар билан боришини 30 % иштирокчи таъкидлашган. Иштирокчиларнинг қўпчилиги ҳеч қайси санаторийга бормаганлигини айтишди[2].

Айрим одамлар эса, таътилда дам олиш ўрнига тўй қиласди, уй қуради ёки энг зарур ишларини шу вақтга тўғрилашади. Дам олмасдан муттасил ишлаш натижасида энг аввало бош мия фаолияти сусайди, кўриш қобилияти бузилади. Натижада муттасил бош оғриқ, бош айланиши, диккәтнинг бузилиши, хотиранинг пасайиши одамни ноқулай ҳолатга солиб қўяди. Бу жаҳлдорлик, кайфиятнинг тез-тез ўзгариши, уйқунинг бузилишига олиб келади.

Шунингдек, респондентларимиздан бири Очилов Илҳомга шу мазмунда савол берилганда қўйидагича фикр билдириди: “Оилам ошхонага календарь осиб қўйган. Таътил пайти бир кун банка ёпса, 2-3 кун қишки кийимларни ювиб, офтобда куритиб, шкафга осиб қўяди. Бечора улгурмай қолмай деб кундузи 1-2 соат уйқуни ҳам кизғанади. Таътил тугагунича юзлари қорайиб, сўлғин тортиб қолади. Чарчайди-да, бечора. Бу йил яшаш тарзимни ўзгартирдим. Кўшнимдан ибрат олиб, болаларни уч кунга тоққа олиб чиқдим. Дам олиш оромгоҳидаги бир хонани ижарага олдик. Нархи ҳам осмон эмас, чидаса бўлади. Болалар мириқиб, уч кун сувдан чиқмай чўмилишди. Эр-хотин тиникиб ухладик. Тоғ ҳавоси тоза бўлгани учун 4-5 соат уйқу кифоя қиларкан. Ох, қанийди бу дамлар яна кўпроқ давом этса. Афсус, участканинг чала қолган қисмини битириш керак-да!”[4].

Бундан ташқари иштирокчиларга “Кўшимча фикрларингиз борми?” деб берган

саволимизга аксарият респондентлар “фикрим йўқ”, деб жавоб беришган. Айрим респондентлар ўз яшаб турган худудларидағи ҳолатдан келиб чиқиб қўйидаги фикрларни билдиришган.

Жумладан, Гузор туман Дашибод МФЙда истиқомат қилувчи иштирокчилар иситиши тизими йўқ, йўллар асфальт қилинмаган, ёнимизда “Шўртан” газ кимё мажмуаси бўла туриб газлаштирилмаган, Таллимаржон ИЭС бўлиб чироқ ўчади, мактаб таъмирталаб, сувни ҳовуздан ичамиз, водопровод йўқ деб фикр билдиришган[5].

ХУЛОСА. Хўллас, ўтқазилган сўровнома натижасида вилоят аҳолисини аксарияти ҳудудлардаги муаммо сифатида иситиши тизими, йўллар таъмирталаб эканлиги, тиббий хизмат яхши эмаслиги хақида фикр билдиришган. Шунингдек, моддий таъминотини яхшилаш учун аксарият аҳоли шахсий ёрдамчи хўжалик билан шуғулланишини айтиб ўтишган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдурамонов X, Арабов Н, Холмуҳамедов М. Аҳоли даромадлари ва турмуш сифати. Ўкув қўлланма. – Т., 2023. 15-бет.
2. 1985 – 2021 йилларда Қашқадарё вилояти аҳолисининг кундалик хаёти ва ижтимоий турмуш шароитини аниқлаш учун сўровнома натижалари. 2022-2023 йиллар.
3. Мухитдинов X. Ҳудуд аҳолиси турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ривожланишини моделлаштириш. – Тошкент: “Фан”, 2009. 37-бет.
4. Дала ёзувлари. Қамаши тумани, Қамай қишлоғи. Очилов Илҳом. 2022 йил.
5. Дала ёзувлари. Гузор тумани, Дашибод қишлоғи. Тўрахонов Иброҳим. 2022 йил.

